

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељагаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 25 февраль, № 41 (4704)

Чоршанба

## ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримов таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 24 февраль куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев кутиб олди.

Ўзбекистон Президенти Исло Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов пойтахтимиздаги «Туркистон» саройига ташриф буюрдилар. Бу ерда ўзбек ва туркман санъаткорлари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги муносабатлар янги анъаналар билан боймоқда. Президент Исло Каримовнинг 2007 йил октябрь ойида Туркменистонга давлат ташрифи асносида Ашхободдаги «Рухият» саройида ўзбек ва туркман санъат намояндларининг катта концерти намойиш қилинган эди.

Президент Исло Каримовнинг ўша ташрифи чоғида 2008-2010 йилларда маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури қабул қилинган эди.

Бундай байрамона тадбирларнинг олий даражадаги ташриф кунлари ўтказилиши икки мамлакат раҳбарияти маданият ва санъат арбобларининг алоқаларини ривожлантиришга юксак эътиборидан яна бир далолатдир.

«Туркистон» саройида намойиш қилинган концерт томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Санъаткорларнинг ҳар бир чиқиши олқишлар билан қарши олинди. Бу маданий ҳамкорлик ботида эришилган яна бир ёрқин муваффақият, икки мамлакат санъаткорларига янги илҳом бахш этадиган ва уларни янада яқин ҳамкорликка ундайдиган ютуқлардан дир.



Мухаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Мамлакатимиз вилоятларида ўтказилаётган фаоллар йиғилишларида Президентимиз Исло Каримовнинг шу йил 13 февралда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби» маърузасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш масалалари атрофида муҳокама қилинмоқда.

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**КАШҚАДАРЕ** вилояти фаоллари йиғилишини вилоят ҳокими Н. Зайниев бошқарди.

2008 йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 11,7 фоизга ошди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 18,9, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,4, хизмат кўрсатиш 17,7 фоизга, экспорт ҳажми икки баробарга ўсди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган фол инвестиция сибсати натижасида вилоятда ўзлаштирилган 1630,7 миллиард сўм капитал маблағнинг 35,8 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил этди.

Аҳоли бандлигини ошириш ва турмуш даражасини яхшилашда асосий ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизматлар соҳаси ва касаначиликни изчил ривожлантириш давом эттирилмоқда. Утган йили ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улуши 50,9 фоизга етди. Янги ташкил этилган 60 мингга яқин иш ўринининг 88 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Йиғилишда асосий эътибор ижтимоий-иқтисодий соҳадаги

мавжуд камчиликларни бартараф этиш масаласига қаратилди. Айрим туманларда маҳаллий ҳом ашё асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, шунингдек, экспорт ҳажмини ошириш ишларида суўтасликка йўл қўйилмоқда. Қишлоқларда ижтимоий инфратузилмани, транспорт коммуникациялари ва йўл қурилишини ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Фаоллар йиғилишида рақобатбардор таъбир маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган вилоят иқтисодийнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида қишлоқлар қиёфаси ва улардаги турмуш сифатини тўдан яхшилаш, фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва бошқа масалалар юзасида бажарилаётган ишлар белгилан олинди.

Қашқадарё вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов сўзга чиқди.

А. МУХАММАДИЕВ,  
ЎзА мухбири.

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Шаҳар ҳокими А. Тўхтаев бошқарган йиғилишда таъкидланганга нидек, Президентимиз Исло Каримов раҳнамолигида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг изчил амалга оширилиши натижасида иқтисодий ўсишнинг юқори, барқарор ва мувозанатлашган суръатлари ҳамда макроеқтисодий барқарорлик тенденциялари мустаҳкамланмоқда. Иқтисодий таркибий ўзгаришлари, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш борасида сезиларли ўзгаришлар таъминланмоқда.

2008 йилда пойтахтимизда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши 18,6 фоизга, саноатда ишлаб чиқариш ҳажми 36,8 фоизга, ҳақ истеъмоли товарларининг ишлаб чиқарилиши 23,6 фоизга, хизмат кўрсатиш ҳажми 24,3 фоизга ортди. Барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланишида етакчи тармоқ — саноатнинг ўрни салмоқли бўлиб, ўтган йил натижалари бўйича унинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 15,7 фоизни ташкил этди.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик учун қўлай шартно яратилгани самарасида рўйхатда олинган ва фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони жадал ошди. Солик юкни камайтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналари барпо этиш, мавжудларни қайта реконструкция қилиш, бизнес учун қўлай муҳитнинг яратилиши сармоий жаранларнинг янада фасолашуви, иқтисодий таркибни яхшилаш ва барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги арафасида янги маданият, маънавият ва маърифат максақлари, тиббиёт, спорт-соғломлаштириш, шифо муассасалари қуриб фойдаланишга топширилди. «Ешлар йили» Давлат дастури ва Мактаб таълимни ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури доирасида умумтаълим, ўрта махсус, касб-хўна, олий таълим максақларини, болалар спорт мактабларини таъмирлашга, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, ёш оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда мавжуд ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш зарурлиги алоҳида қайд этилди. Айрим корхоналарда ишлаб чиқариш суръатлари камайиб бораётди. Иқтисодий зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони кам бўлсада, уларнинг зарар миқдори ҳам юқорилигига қўлмоқда. Йиғилишда бу каби муаммоларни бартараф этиш бўйича амалий чора-тадбирлар белгилан олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Шоиматов сўзга чиқди.

Н. УСМОНОВА,  
ЎзА мухбири.

## АНДИЖОН

Вилоят ҳокими А. Усмонов бошқарган йиғилишда ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 14 фоизга ўсгани қайд этилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 23,4, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 9,3, ҳақ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш 22,2 фоизга ошди.

Утган йил мобайнида вилоятда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, инвестицияларни жалб этиш, янги корхоналар барпо этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Енгил саноат тармоғида модернизация ва техник қайта

(Давоми 2-бетда).

## ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЖАМИЯТ РИВОЖИ

Ўзбекистон Фанлар академиясида ўтган йил якунлари ҳамда Президентимиз Исло Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш. Солиҳов давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жамиятимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган кенг қўламли ишлорлар жараёнида илм-фаннинг тарққиётини янада жадаллаштириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, илмий лабораторияларда яратилаётган янги ишланмаларни иқтисодий таъминнинг устувор соҳаларига татбиқ этишга қаратилаётган эътибор ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Олимларимиз ва мутахассисларимиз томонидан бу борада амалга оширилаётган изчил ишлорлар натижасида жамиятимизнинг барча тармоқларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган қўллаб муҳим илмий кашфиётлар яратилмоқда. Ген муҳандислиги соҳасидаги дунёда аналогли бўлмаган трансген гўза

нави, жаҳон тиббиётининг илғор технологиялари асосида яратилган янги шифо воситалари, нефть ва газ саноатида қўлла ниладиган ишланмалар шулар жумласидандир. Кимёгар олимларимизнинг илмий ишлорлари ҳам юксак самаралар бераётган бўлиб, бу жараёнда яратилаётган ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирувчи воситалар ва дефолиантлар, самарали кимёвий ўғитлардан амон

рар тармоқда унумли фойдаланилмоқда.

Ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишларида эришилаётган илмий ютуқлар эса халқимиз, хусусан, улгайиб келаётган авлоднинг дунёқараши ва тафаккурини янада юксалтириш, ўзалигимизни англаш, бой ўтмишимизни асл ҳолича ўрганишга хизмат қиладир.

Мамлакатимиз илм-фаннинг бу борадаги улкан салоҳияти юртимизда илк бор ўтказилган биринчи республика инновациялар фойдаланган лойиҳалар ярмаркасида кенг намойиш этилди.

(Давоми 2-бетда).

## ЯШИЛЛИКНИ АСРАШ — БУРЧИМИЗ

Маълумотларга қараганда, ҳозирги вақтда республикамиз ўрмон фонди 8775,4 минг гектарни ташкил этади. Бу — республика умумий майдонининг 19,8 фоизига тенг бўлиб, киши бошига ўртача 0,1 гектар ўрмон майдони тўғри келади, демакқидр.

Ўрмонларнинг асосий қисми, яъни 91,7 фоизи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тасарруфида. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ўрмончиликни ривожлантиришга эътибор кўнади. Натижада давлат ўрмон фонди 1,8 баробар, ўрмон билан қопланган ҳудудлар 1,6 баробарга кўнади.

Албатта, дарахт, ўрмон ўзича ўсмайди. Бунинг учун тармоққа жиддий эътибор қаратиб, мавжуд дарахтзорларни асраб-авайлаш зарур. Ўрмонлар қурилиш саноати учун ҳам ашёгина эмас, балки атмосфера ҳавосини тозалаш ва иқлимни мўътадиллаштириш, табиий офатларнинг олдини олиш хусусиятига ҳам эга эканлигини ҳисобга олсак, унинг атроф-муҳит муҳофазасида нечоғли му

ҳим аҳамият касб этиши ойдинлашади. Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси билан Тошкентдаги «Abu matbuot konsult» компанияси ҳамкорлигида «Ўзбекистон-

## Анжуман

да «Facility» ўрмончилик дастурини амалга ошириш ва жамоатчиликни хабардор қилиш» мавзусида ташкил этилган семинар-тренингда шулар хусусида сўз борди.

Соҳа мутахассислари, журналистлар иштирокида уюштирилган тадбирда таъкидланганича, ўрмон билан қопланган майдонларнинг 563,9 минг гектари бево-сита мамлакатимиз ўрмончилари томо-

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ЯНГИ УЙЛАР — ЁШ ОИЛАЛАРГА

Айниқса, ёш оилаларга катта эътибор берилганлиги ниҳоятда қувонарлидир. Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ёш оилаларга маънавий ва моддий жиҳатдан ёрдам бериш жаҳон амалиётида кам қўлланилаётган ижтимоий тадбирлардан саналади.

Меҳнат қилишлари сари ундайди. Юртбошимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, уларни ҳар томонлама етуқ инсон-ошириш давлат сиёсати-га молик масала деб қаралаётгани бежиз эмас. Ёш оилаларга берилган ёрдам, пировардида, ушбу оила аъзоларининг, унда туғилажак фарзандларнинг, демакки, келажақ авлоднинг соғлом ва баркамол бўлишига пухта замин яратади.


Республика камизда бу чора-тадбирларни амалга ошириш давлат сиёсати-га молик масала деб қаралаётгани бежиз эмас. Ёш оилаларга берилган ёрдам, пировардида, ушбу оила аъзоларининг, унда туғилажак фарзандларнинг, демакки, келажақ авлоднинг соғлом ва баркамол бўлишига пухта замин яратади.

Катта ҳаёт остонасида турган икки ёшга энг масуулиятли ва мураккаб дамларда давлат томонидан зарур қўмақ берилиши улар қалбидagi Ватанга муҳаббат, шу юртда яшаётганлигидан фахрланиш туйғуларини раванка топдиради. Қолаверса, бу туйғу кейинчалик уларнинг фарзандлари онгу шуури шаклланишида ҳам муҳим омил бўлади. Бундай гамхўрлик ёшларимизнинг фуқаролик масуулиятини оширади, уларни эл-юрт фаровонлиги учун ҳалол

## Гамхўрлик

лар этиб тарбиялашга қаратилган қўллаб сыйлаётганлиги ниҳоятда қувонарлидир. Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ёш оилаларга маънавий ва моддий жиҳатдан ёрдам бериш жаҳон амалиётида кам қўлланилаётган ижтимоий тадбирлардан саналади.

(Давоми 2-бетда).



БИР РАКАМ ШАРҲИ

## Йўл — равон, юрт — фаровон

2009 йилда мамлакатимизда халқаро аҳамиятга молик умумий фойдаланишда бўлган

400 километрдан ортқк автомобиль йўлини модернизация қилиш кўзда тутилмоқда.

Юртимиз йўлларини яхшилаш — замонавий ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб, бу вазифалар давлатимиз томонидан ишлаб чиқилган махсус дастур асосида амалга оширилмоқда.

**Президентимизнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асослари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида қишлоқларимизда нафақат замонавий тураржой бинолари барпо этиш, балки ривожланган ижтимоий инфратузилмалар тармоғига эга бўлиш ҳақида ҳам алоҳида тўхтаб ўтилди. Табиийки, ижтимоий объектлар тармоғи шаклланган таълим тизимини ҳам ўз ичига қамраб олади. Масалани шу нуқтага назардан ёндашсак, бу борада мамлакатимизда амалга оширилган ишлар кўлами анча салмоқлидир.**

# ТАҲЛИЛ ВА НАЗОРАТ МАСЪУЛИЯТИ

ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги муваффақиятлар асосидир

Ўзбекистон Республикасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилинганлигига энди ўн икки йил тўлмоқда. Ушбу муддат тарих учун унча катта давр бўлмаса-да, Ватанимизда бу йиллар мобайнида таълим соҳасида улкан ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, узлуксиз таълим тизими йўлга қўйилди. Шу билан бирга, олдин мавжуд бўлмаган ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими тўла шакллантирилди. Ўзбекистонда 1200 дан ортиқ касб-хунар коллежлари ва 120 дан зиёд академик лицейлар барпо этилди. Бундай улкан ишларни тарихан қисқа даврда амалга ошириш унча-мунча давлатнинг қўлидан келар-келмайди. Негаки, бир вақтнинг ўзига ҳам ўрта махсус, касб-хунар таълими, ҳам умий ўрта таълим соҳасида катта маблағ талаб қилувчи ишлар олиб борилди.

2009 йил ҳар иккала бўғинда қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари шакллантирилди. Бу орада нафақат қурилиш ёки реконструк-

ция тадбирлари, балки объектларни жаҳон андозалари даражасида жиҳозлаш, таълим сифатини юқори поғонага кўтариш ишлари ҳам амалга оширилди. Қолаверса, мазкур муассасаларнинг аксариятида жаҳон ахборот улашиш тизимига мослаштирилган ахборот-ресурс марказлари ташкил этилди.

Биргина ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ҳақида гапирганимиз бўлса, мустақиллик йилларида бу соҳа амалда йўқдан бор қилинди. Бутун республикамизни қамраб олган ушбу таълим тизими уч йиллик таҳсилга асосланган бўлиб, 9-синфни тугатган барча ёшларни қамраб олишга мўлжалланган. Қўриб турибдики, таълимнинг мазкур бўғинида асосий мураккаб ишлар бир вақтнинг ўзига амалга ошириб келинди ва амалга оширилмоқда.

Аслида бирор бир андозаси йўқ ишларни тез ва сифатли амалга ошириш, кўп жиҳатдан, дастлабки қадамнинг тўғри қўйилганлигига боғлиқ. Бу эса «Таълим тўғрисида»ги Қонун

янгилари ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг пухта ишлаб чиқилганидан даража берди. Ушбу тизим тараққиёти йўлидаги барча ишларни олиб қарасак, ўзига хос яратувчи

### Таълим ва ислоҳот

чанликни кўришимиз мумкин. Масалан, янги қурилган ёки реконструкция қилинган коллеж ёхуд академик лицей биноси ўша ҳудуддаги энг маҳабатли бинолардан биридир. Бугунги кунда улар фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида ишлаб чиқилган техник воситалар билан жиҳозланган.

Таълим мазмуни эса янада тақомиллашмоқда. Соҳада педагог ёки инновацион технологияларнинг энг самарали усулларидан фойдаланиш йўлга қўйилди. Ўқитувчиларни бунга жалб этиш, юксак талаблар даражасига муносиб бўлиш учун уларни моддий қўллаб-қувватлаш йўллари излаб топилмоқда. Ушбу ўқув йилидан бошлаб ўрта

махсус, касб-хунар таълими тизимида ҳам директор жамғармаси ташкил этилди, ойлик иш ҳақлари ўқитувчининг нафақат дарс соати, балки унинг педагогик юклагани бажаришига ҳам қараб тўлаш йўлга қўйилди. Бу эса, ўз-ўзидан, ўқитувчи ва муҳандис-педагоглар рейтинг кўрсаткичини аниқлаш механизминини янада тақомиллаштириш-

нинг меҳнатидан унумли фойдаланиш бўйича маҳаллий ҳокимликлар қошидаги мувофиқлаштирувчи кенгашлар фаолиятини янада тақомиллаштириш тақозо этилади.

Олий таълим муассасалари билан боғлиқ масалалар ҳам мавжуд. Аслида академик лицейлар худди шу таълим тизими учун абитуриент тайёрлаб беради. Улар ўқувчиларнинг қобилиятини, кимда соҳанинг ҳақиқий эгаси бўлиш салоҳияти мавжудлигини аввалдан ўрганишлари керак.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида фаннинг ролига катта баҳо берилди. Фақат таълим тизимига кирувчи фан институтларига бу жараёнга ўзининг ҳиссасини қўймоқда. Ваҳоланки, бу жараёнда барча илмий тадқиқот институтлари қатнашиши лозим. Зеро, таълим тизими улар учун ҳам кадрлар тайёрлаб беради.

Бугунги кунда ўрта махсус, касб-хунар таълимидаги муҳим масалалардан бири, бу — давомат. Давоматни таъминлашга эса баъзида ота-оналар халақит бермоқда. Улар фарзандларини оилавий таълим билан қўпроқ банд қилиб қўйишмоқда. Бизнингча, бу соҳада шахар ва туман ҳокимликлари қошида вояга етмаганлар комиссиялари билан ҳамкорлик янши натижа беради.

Дарҳақиқат, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлаш борасида ҳар бир қадамимизга илмий-амалий нуқтага назардан қарашимиз даркор. Зеро, вақтида қилинган таҳлил ва ўзимизни ўзимиз назорат этиш масъулияти эртанги муваффақиятларимизга гаровидир.

**М. ИСРОИЛОВ,**  
Гулистон давлат университети қошидаги Янгиер академик лицейи директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ийгиликда эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, иккита корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш кескин пасайиб кетгани танқид қилинди. Вилоятдаги саннат корхоналарида маҳсулотларни экспорт қилиш кўрсаткичлари ҳам кўнглидагидек эмас.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш борасида ҳам муаммолар бор.

Ийгиликда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида амалга оширилган ишлар атрофида муҳокама этилди ва зарур чора-тадбирлар белгиланди. Жойларда мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсу-

лотларини қайта ишловчи корхоналар ҳамда иссиқхоналар ташкил этиш, қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш юзасидан кўп иш қилиш зарурлиги таъкидланди.

Андижон вилояти фаоллари ййгиликда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розикўлов сўзга чиқди.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**  
ЎзА мухбири.

### СИРДАРЁ

Вилоят ҳокими А. Жалолов бошқарган ййгиликда 2008 йилда виллоятда иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари барқарорлиги таъминлангани қайд этилди. Ялпи ички ҳудудий маҳсулот ҳажми 2007 йилга нисбатан 108,9 фоизни ташкил этди. Саннат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5,1 фоиз ошди. Ҳисобот даврида 28 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Вилоят иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг изчил ва барқарор ўсиб бораётгани эътиборга молик. 2008 йилда 18 миллион АҚШ доллари миқдорда хорижий инвестиция киритилди. Вилоятда фаолият кўрсатаётган 30 та қўшма корхона томонидан 32 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланди, 12 миллион АҚШ доллари миқдордаги маҳсулот экспорт қилинди.

2008 йилда виллоятда чет эл сармоялари иштирокида етти та қўшма корхона ишга туширилди. Бунинг натижасида 2,7 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ўзлаштирилди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасига берилаётган эътибор туғайли 2008 йилда мавжуд фермер ҳўжалиқларининг ер майдонлари сезиларли даражада кенгайди. Бунинг самарасини сабзавотчилик, чорвачиликдаги

ўзгаришлар мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Фаоллар ййгиликда ўтган йил давомида йўл қўйилган хато ва камчиликлар хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди. Қишлоқ жойларда кўрсатилган хизматлар ҳажми ва сифати талаб даражасида эмас. Аҳолини иш билан таъминлашнинг муҳим йўналиши — шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида чорвачиликни ривожлантириш, ветеринария хизмати сифатини ошириш, озуқа билан таъминлаш тизимини янада тақомиллаштириш зарур.

Ийгиликда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, хусусан, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, фермер ҳўжалиқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали бандлик даражасини ошириш, тўхтаб қолган корхоналар фаолиятини қайта йўлга қўйиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Сирдарё вилояти фаоллари ййгиликда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов сўзга чиқди.

**Д. ЭСОНОВА,**  
ЎзА мухбири.

### СУРХОНДАРЁ

Вилоят ҳокими Т. Жўраев бошқарган ййгиликда таъкидландики, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар молиявий барқарорликни сақлаш, ишлаб чиқаришда ўсиш суръатларини таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришда муҳим омили бўлмоқда.

Вилоятда ўтган йили иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши таъминланди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 7,4 фоиз ўсди. Саннат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 11,8, истеъмол моллари 12,6, пуллик хизмат кўрсатиш 13,1 фоизга ошди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари-

нинг улуши 67,2 фоизга етди.

Фаолият юритаётган 44 та қўшма корхона томонидан 97 миллиард 246 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди ва хизмат кўрсатилди.

Ийгиликда эришилаётган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ҳам атрофида таҳлил қилинди. Жумладан, виллоятда маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўсиш суръатлари таъминланган бўлса-да, Жарқўрган туманидаги «Алпомизи» қўшма корхонаси, Қумқўрган туманидаги «Сурхон комбинати», Сарисий туманидаги «Сарисий пахта тозалаш» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш ҳажми камайган. Бойсун, Қизилқир, Жарқўрган ва Термиз туманлари-

да мева-сабзавотни, Олтинсой, Бойсун ва Сарисий туманларида гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш чоралари кўрилмапти. Чорвадорларга зооветеринария ва бошқа хизматлар кўрсатиш ҳам талабга жавоб бермайди.

Ийгиликда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар кўриб чиқилди. Қишлоқларда турмуш маданиятини ошириш, ихчам ва замонавий қайта ишлаш корхоналари барпо этиш, балиқчилик, асаларчилик, паррандачилик каби соҳаларни янада ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

**Х. МАМАТРАЙМОНОВ,**  
ЎзА мухбири.

### Интилиш

**Нукуслик Ойзода Удербоева — кўли гул чевар. Ёшлигидан бичиш-тиқишга меҳр қўйган. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка яратиб берилаётган шарт-шароитлар, айниқса, ишбилармон хотин-қизларга кўрсатилган алоҳида эътибор уни ҳам тадбиркорликка ундади. Шу тариқа "Ойзода" ишлаб чиқариш-тиқув фирмаси вужудга келди. Натижада нукуслик кўлаб қиз-жувонлар ишли бўлди.**

# «ОЙЗОДА» МАҲСУЛОТЛАРИГА ХОРИЖЛИКЛАР ТАЛАБГОР



Қорақалпоқ миллий либослари тикишига ихтисослашган мазкур корхона тезда эл оғзига тушди. Унинг ранг-баранг маҳсулотларига талаб йил сайин ортиб бора-ярапти. Шу боис тадбиркор фаолиятини кенгайтириш ҳаракатида. Ёнига ўнлаб ёш қизларни олиб, тикувчилик сир-асрорларини ўргатапти. Эътиборлиси, «Ойзода» маҳ-

сулотларига хориждан ҳам талаб тушмоқда.

— Юртимизга келган сайёҳлар миллий кийим-кечакларимизни кўриб, уларга шайдо бўлиб қолмоқда, — дейди тадбиркор. — Шу боис уларнинг тарихи ҳақида қизиқиш сўрашди, юртларига олиб кетишди. Сайёҳларнинг аксарияти эса маҳсулотларимизга яна буюртма беришмоқда.

Корхонада шўро замонида унутилаётган кўлаб миллий либослар қайта тикланди. Уларга замонавийлик уйғунлаштирилган ёшларнинг қизиқишини тобора оширмоқда.

**СУРАТДА:** тикувчи Зина Елшибоева.

**А. КАННАЗАРОВ (ЎзА)**  
олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳозирги кунда олимларимиз икки юздан зиёд амалий, ўттизга яқин инновацион лойиҳалар устида изчил илмий излаш олиб бормоқдалар. Бу жараёнда жамиятимизнинг устувор йўналишларини янада ривожлантириш, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар иж-

# ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЖАМИЯТ РИВОЖИ

росини таъминлаш ва жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини юмшатишнинг илмий-амалий ечимларини топишга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Олимларимизнинг бу борада эришаётган илмий ютуқларини, амалий ва инновацион лойиҳалар натижаларини мунтазам таҳлил қилиш ва илмий излашларини янада тақомиллаштириш ҳам доимий эътиборда. Ана шу мақсадда амалга оширилаётган ишлар натижасида юқори технологиялар банк яратилди. Илм-фанимизнинг устувор йўналишлари қамраб олинган янги концепция ишлаб чиқилди.

Ийгиликда илмий лабораторияларда яратилаётган янги ишланмаларни иқтисодий таъминнинг муҳим тармоқларига жорий этишни янада кучайтириш, манфаатдор вазирилик, идора ва ишлаб чиқариш корхоналарининг бу жараёндаги молиявий иштирокчи таъминлаш, экспортбор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада мустаҳкамлаш ана шундай долзарб вазифалардан ҳид.

**Б. ХИДИРОВА,**  
ЎзА мухбири.

# ЯНГИ УЙЛАР — ЁШ ОИЛАЛАРГА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биргина Сурхондарё вилоятда ҳозирга қадар 120 нафар ёш оилага истеъмол кредитлари ва 1669 та ёш оилага микрокредитлар берилди. Уларнинг умумий суммаси 4,2 миллиард сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, виллоят бўйича ҳомийлик кўмағи ҳисобидан кам таъминланган 759 та ёш оилага 979 миллион сўмлик бепул қорамол берилди. Бу — оилаларга қўшимча даромад олиш, дастурхонини сўтқақ ва гўшти маҳсулотлар билан бойитиш имконияти берилди деганидир. Демак, эндиликда уй шароитида меҳнат билан банд бўлиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Шунингдек, дав-

лат тижорат банклари ҳамда иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига 1465 нафар ёш оилага қорамол сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратилди. Қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган 85 нафар ёш ўқитувчига уй-жой қуришга ер ажратилди. Термиз шаҳрида «Ипотекабанк» буюртмаси билан ёш оилалар учун ҳар бирининг умумий қиймати 1338 миллион сўмлик, 32 хонадонли иккита тўрт қаватли уй қурилиши олиб борилаётган. Яқинда улардан бири фойдаланишга топширилди, иккинчисига пардозлаш ишлари якунига етмоқда. Ҳадемай барча қулай шарт-шароитлар муҳайё этилган бу за-

монавий уйлар ёш оилалар билан гавжум бўлади. Бу эгалар виллоятда 2009 йилда ҳам давом эттирилиб, ёш оилаларнинг турмуш даражасини яхшилаш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш кўлами янада кенгайди.

Шубҳа йўқки, мазкур чора-тадбирларнинг барчаси мамлакатда фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигининг, хусусан, Юртбошимизнинг фарзандларимиз ҳеч кимдан кам бўлмаслигига ва албатта, бахтли бўлиши кераклиги тўғрисида қилган даъватининг амалий инъикосидир.

**Гулбаҳор ТАНГИРОВА,**  
Ўз мухбири.

# МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг «Янги авлод» Болалар ижодийти маркази ёшларни қўллаб-қувватлаш, истеъдод соҳибларини аниқлаш ва уларни рағбатлантириш борасида қатор тадбирлар ўтказиб келмоқда.

# «Энг янши тақдимот» голиблари

Марказда ўқувчилар турли тўғаракларда ўз билимларини мус- таҳкамлабдилар. Буларнинг самараси ўлароқ, кейинги вақтларда ижодийти марказининг истеъдодли ўқувчилари республика- мида ва халқаро миқёсда ташкил этилаётган кўрик-танлов ҳамда фестивалларда муваффақиятли иштирок этишаётган.

Хусусан, яқинда «Янги авлод» Болалар ижодийти маркази- нинг бир гуруҳ аъзолари «Дунё бўйлаб» деб номланган халқаро интернет-танловда совриндорлар сафидан жой олишди. Айтиш жоизки, мазкур танлов шартига кўра, мактаб ўқувчилари ўз билимларини мустаҳкамлашда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни қай даражада эканини намойиш этиш- лари керак эди. Уч босқичдан иборат кўриқдан муваффақият- ли ўтган ёшларимиз — Искандар Мусоқов, Максим Красноше- ков ва Павел Ким «Энг янши тақдимот» номинациясида голиб- ликни қўлга киритишди.

**О. ФАЙЗИЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўтган йили Бухоро вилоятидаги тадбиркорлик субъектлари бўлган кичик корхоналарнинг ялпи минтақавий маҳсулотдаги улуши 58 фоизни ташкил этган эди.

# Тадбиркорлар улуши ошмоқда

Бу йил маҳсулот ишлаб чиқарувчилар сафига Ромитан- даги «Муҳаммадхон, Максод, Сулаймон» кичик корхонаси ҳам қўшилди. Корхонага хориждан дастгоҳлар келтириб ўрнатилган, бу ерда пластмасса ли қопқоқлар, елим идиш- лар, дераза ромлари учун штепеллар ҳам тайёрлана бош- ланди. Яқин кунларда улар пластмасса қувурлар тайёр- лашни ҳам йўлга қўйишмоқчи.

**И. ИБРОХИМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

Навоий вилоятида хориж сармоядорлари маблағи ҳисобидан ташкил этилган «Навбахор текстиль» корхонаси ўз фаолиятини бошлади.

# Инвестиция ҳисобига

Янги корхона бир йилда 6,3 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш имкониятига эга. Айни кунда бу ерда навбахорлик моҳир қизлардан 80 нафари меҳнат қилаётган.

**Х. ЭШОНҚУЛОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

Пастдаргом туманидаги 37-мактабда ўқувчиларнинг билим олишини янада тақомиллаштириш борасида яна бир имконият яратилди.

# Мақтабга ҳомийлик ёрдами

Мақтаб «Элхондин» компанияси ҳомийлигида физика, химия, биология синфхоналари учун 18,5 миллион сўмлик замонавий ўқув жиҳозлари билан жиҳозланди. Шунинг- дек, 8,5 миллион сўмлик ойнаванд юмшоқ мебеллар ҳам олиб берилди.

**А. САТОРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

Урганч шаҳрида «MEGA SFERA» Ўзбекистон — Россия янги қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Замонавий мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу корхона барпо этиш учун 310 минг АҚШ доллари миқдорда хорижий инвестиция жалб этилди.

# Хоразм мебеллари

Ҳозирда бу ерга Италиядан келтирилган ускуна ва дастгоҳлар ўрнатилган. Тез орада корхона яна замо- навий ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланади. Бунинг учун Италия ва Германия давлатларидаги ҳам- корлар билан шартнома имзоланган.

Янги қўшма корхона йилига 400 млн. сўмлик мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Айни пайтда бу ерда 20 нафар маҳаллий ёш ишчиларига эга бўлиш- ди. Корхона шу йил охирига бориб тўла қувват билан ишлаб бошлашга, яна 20 та янги иш ўрни ташкил этила- ди. Бу эса виллоятда мебель маҳсулотлари ишлаб чиқа- ришни янада қўпайтириш учун имконият яратяпти.

**О. РАҲИМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

Маҳсулот миқдори ортимоқда

Хонқа туманидаги "Хонқа паррандачилик" МЧЖ комплексининг қуриб ишга туширилиши 40 нафар маҳаллий ёш иш билан таъминлаш имкониятини яратган эди.

Паррандачилик

Айни пайтда жамият эл дастурхонини тўқин қилиш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришмоқда. Жумладан, қисқа вақт мобайнида бу ерда боқилаётган парранда сони 120 мингга етказилиб, 1 миллион донадан ортиқ туҳум етиштирилди. Шунингдек, аҳолининг парhez маҳсулотларга бўлган талабини қондириш мақсадида Самарқанддаги Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасига қарашли "Охалик-Ломанн-Парранда" очик акциядорлик жамиятидан шартнома асосида яна 45 мингга ҳужа олиб келинди.

О. ЖУМАНИЁЗОВ.

2009 йил — Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Мустақиллик йилларида кишлоқларимизни ҳар тарафлама тараққиёт эттириш, обод қилиш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, мавжуд ижтимоий муаммоларга ечим топишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Аҳолига томорқа ажратилиши, хонадонларнинг қорва моллари билан таъминланиши, ёрнинг ўз эгасига топширилиши ижобий натижаларини бераётди. Кишлоққа санатини олиб кириш, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини қўлайлаштириш, энг замонавий илм ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш, йиллар иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Қўнғилларга ёрлик солувчи бундай фараҳбахш манзараларни Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида ҳам кўриш мумкин.

"Бўстон" кишлоқ фўқаролар йигини ҳудудидagi "Навбахор" маҳалласида эса тадбиркор Абдураҳмон Мирзаев "Алимадон гузарини очди. Ҳаммом, чойхона, нововойхона, қўзалик салони"дан иборат бу гузар эндиликда қишлоқ кўрғига-кўрқ қўшаётди. Маданият кишлоқда истикомат қилувчи Баҳодир Юсупов, Пахтаобод шаҳрининг Охунбобоев кўчасида яшовчи

ёки турли разряд эгаси. "Тай-фун" каратэ клубининг ўн нафардан зиёд аъзоси мамлакат чемпиони. Азизбек Нуриддинов эса яқинда бўлиб ўтган Осиё биринчилиги беллашувларида мутлақ голибликни қўлга киритди. Туманда учта мактаб ва ўсимирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Илгари чемпионларнинг ак-

ПАХТАОБОДНИНГ МАФТУНКОР МАНЗАРАЛАРИ

Ҳар гўшанинг ўз корхонаси бор

Ҳар кун эрта тонгда Пахтаобод қўчалари шимларининг қирраларида пинокнинг дамидай қилиб дамол урилган йигитлар билан гагужум бўлиб кетади, қизлар кулгисига тўлади. Улар бу йўллардан саноят корхоналари, тури ташкилотлар, қурилиш жадал кетаяётган иншоотлар томон талпинишади. Янги корхоналар, айтиш мумкин, бугун ҳар бир кишлоқда фаолият кўрсатмоқда. Улар юзлаб, минглаб маҳаллий ёшларни ўз бағрига олан.

Ободлик кўнгиладан бошланади

Бир чети қўшни мамлакатларга туташувчи йўллардан юрсангиз, ҳар қадама миллий меъморчилик анъаналари билан замонавийлик уйғунлашиб кетган кўркам биноларга қўнғилга тушади. Уларнинг асарини фермерлар, тадбиркорлар, саховатпеша инсонларнинг ҳиммати билан бунёд этилган. Айниқса, "Ешлар боғи"га ҳамминанг ҳаваси келадди. Тентақсой соҳилларида "Буюм бозори" қуриб битказилди. "Дехқон бозори" 395 миллион сўми маблағ ҳисобидан тўлиқ таъминланди. Бугун ҳар икки бозор хизматидан барча мамнун.

Унинг 145 таси яқунланган Ешлар йилида иш бошланган. Шунинг ҳисобига 816 та янги иш ўрни яратилди. Йирик саноят корхоналари ва фирмаларда эса 503 нафар киши учун касаначилик йўлга қўйилди. Буларнинг ҳаммаси туманининг ташки савдо айланмаси 2007 йилдаги нисбатан 204 фоиз ўсишини таъминлади. Бошқача қилиб айтганда, экспорт ҳажми 1.170 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Спорт осмонда чарақлаган юлдузлар

Уларни тумандаги ҳар бир кишлоқда унратасиз. Шаҳмат бўйича Каримовлар сулоласи ҳам шун заминда палак ёзган. Бу оиланинг 21 нафар аъзоси спорт устаси унвони соҳиби

Одилжон Мамажонов ва Ҳусанбой Олимов каби тадбиркорлар ўз маблағлари ҳисобига барпо этган сервис хизмати шохобчалари, маданият-маиший бинолар ҳам қўшоналардан қолишмайди. — Утган йили, — деди туман ҳокими Шўҳратбек Абдураҳмонов, — 5 та дўкон, 8 та кийим-кечак тикиш ва пойабзалларни таъмирлаш устaxonаси, 7 та сартарошхона ва 18 та бошқа турдаги шохобча қуриб битказилди. Табиий газ, тоза ичимлик суви кириб бормаган кишлоқлар қолмади ҳисоб. Бундан ташқари, икки йўлларнинг 13 километрга асфальт ётқизилди. Жорий йилда бу кўрсаткич 30 километрга етказилди. Шу кеча-кундузда эса "Ўзбекистон", "Уйғуробод" массивларида қасб-хўнар коллежлари, 490 ўринли мактаб қурилиши тез сўриятларда олиб борилаётди.

Спорт осмонда чарақлаган юлдузлар

Уларни тумандаги ҳар бир кишлоқда унратасиз. Шаҳмат бўйича Каримовлар сулоласи ҳам шун заминда палак ёзган. Бу оиланинг 21 нафар аъзоси спорт устаси унвони соҳиби

ЭКИНЗОРЛАР КЕНГАЙДИ, МАСЪУЛЛИК КУЧАЙДИ

Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрдаги "Озиқ-овқат экинлари еқилидан майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни қўлайлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан сўнг бизнинг "Санзор" фермер ҳўжалигимизнинг экин майдони 310 гектарга етди. Яна 58 гектар ер қўшиб олдик.

Дил сўзи

Имкониятларимиз кенгайди. Бу — масъулият кўчаиди, дегани. Чунки ерга ишлов берилса, гуллаб-яшайди, соҳибидан саховатини аямайди. Ҳозирда 130 гектар урнига 167 гектар майдонда галла парваришляяпмиз. Кишлоқга майсалар тўлиқ тулган ҳолда кирди. Агротехника тадбирларини сифатли ўтказганимиз учун ниҳолларнинг ривожини яхши, бир текис илди отаяпти. Биз экинни шўнчаки сўғурмаймиз, ҳар сув тарафда гектарига 3,5-4 тоннадан маҳаллий ўғитни "шарбат" усулида оқизамиз. Бу, биринчидан, экинга дармон бўлади. Иккинчидан, сув иқтисод қилинади.

Тўқилдиш керак, озиқ-овқат етиштириш ҳажмини янада ошириш ҳамда уларнинг турларини қўлайлаштириш замирида аҳолининг бу неъматларга бўлган талабини янада тўлиқроқ қондириш, пировард натижада кишлоқ аҳолиси даромадлари ва турмуш даражасини юксалтиришдек эзгу мақсадлар мўжассам. Бунинг учун барча имкониятлар бор. Биз, фермерлар зиммамиздаги масъулиятни чуқур ҳис этиб, чин дилдан меҳнат қилсак, турмушимиз янада фаровон бўлиб бораверади.

Рашида ЁДГОВА, Арнасой туманидаги "Санзор" фермер ҳўжалиги раҳбари, "Дўстлик" ордени нишондори.

ООО "Росагропромснаб" предлагае: СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые "Гобой-1" Цена - от 1 365 000 сум. ДУ, мм Типоразмер Мин. расход, Qмин, м³/час Максим. расход, Qмакс, м³/час

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ҲўЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, БАРЧА ВИЛОЯТ ҲўЖАЛИКЛАРИ, ТАШКИЛОТ ВА БОШҚАРМА БОШЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА! ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРАТИ

2008-2009 ўқув йилида битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида "Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари ярмаркаси"ни ўтказди. 2008-2009 ўқув йилида кўнғилда бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни шартномалар асосида иш жойларига тақсимлашни давом эттирмоқда. Шу муносабат билан битирувчи бакалаврларга уч томонлама шартнома асосида уларнинг хоҳиши бўйича келгусидаги иш жойини танлаш имкониятини яратиш мақсадида Сиз раҳбарлик қилаётган муассасида ёш мутахассисларга яратиб бериш мумкин бўлган имкониятларини (маош, устама ҳақ тулаш, тураржой билан таъминлаш ва уларга бериладиган бошқа имтиёзлар) ҳақида университетга жорий йилнинг 1 май кунига қадар хабар беришингизни сўраймиз. Ректорат 2008-2009 ўқув йилида қўйидаги жадалда кўрсатилган йўналишлар бўйича университетни битираётган юқори малакали бакалаврлар ва магистрлар ҳақида статистик маълумотни эътиборингизга маълум қилмоқда. —Битирувчи-2009- ярмаркаси 28 февраль кунин соат 10.00 да ўтказилади. Қўшичқа маълумотлар учун телефон: 260-48-00, факс: 260-38-60, маркетинг хизмати бўлими телефони: 260-48-50, e-mail tsau@uzpак.uz

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИНИ 2008-2009 ўқув йилида БИТИРАЁТГАН БАКАЛАВРЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Table with columns: Тартиб рақами, Йўналиш (мутахассислик) шифри, Таълим йўналишлари (мутахассисликлар) номи, Битирувчиларнинг умумий сони, Жами грант, Жами тўлов — шартнома, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон вилояти, Бўхоро вилояти, Жиззах вилояти, Навоий вилояти, Наманган вилояти, Самарқанд вилояти, Сурхондарё вилояти, Сирдарё вилояти, Тошкент вилояти, Фарғона вилояти, Хоразм вилояти, Қашқадарё вилояти, Бошқа давлатлар

Магистратура

Table with columns: Тартиб рақами, Шифр, Мутахассисликлар номи, Битирувчиларнинг умумий сони, Жами грант, Жами тўлов — шартнома, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент вилояти, Андижон вилояти, Бўхоро вилояти, Жиззах вилояти, Навоий вилояти, Наманган вилояти, Фарғона вилояти, Самарқанд вилояти, Сирдарё вилояти, Сурхондарё вилояти, Хоразм вилояти, Қашқадарё вилояти, Бошқа давлатлар

Истиқлол йилларида юртимиз тараққиётга эришишни кўзлаб, туб ислохотлар амалга оширилди ва улар бугун ҳам изчил давом эттирилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётимизда рўй бераётган кенг қамровли ислохотлар, аввало инсон учун, унинг манфаатлари йўлида хизмат қилаётгани барчамизга маълум. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чаралари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ҳам алоҳида тўхтадилар.

# БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

Президентимиз маърузаси кенг жамоатчилик орасида кўтаринкилик билан қутиб олинганлигини таъкидлаш ўринлидир. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ўтаётган йиллар, тарих қатига муҳрланган умр давомида юртим, Ватанамга қандай нафим теғди, деган савол шу он ҳар биримизнинг кўнглимиздан кечди, десак янглимаймиз.

Агар танамизга мундоқ ўйлаб, виждонимизни ўртага қўйиб айтадиган бўлсак, истиқлол даврида мамлакатимиз том маънода тараққиёт сари юз тулди, элимиз ҳаёти фаровонлашди. Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати туфайли бугун тилимизда, нафақат тилимизда, балки бутун афкор омма орасида маълум ва машҳур "Ўзбек модели" деган ибора бот-бот тилга олинмоқда. Ҳақиқат шунки, бугун дунёдаги кўплаб мамлакатлар иқтисодий инқироздан азиз чекаётган бир пайтда, бу бўҳроннинг юртимизга бевосита таъсир этмаслиги энг катта ютуғимиздир. Узқоқни кўзлаб ҳаётга татбиқ этилаётган иқтисодий ислохот-

лар бизни ана шундай муқаррар инқироздан қутқариб қолди.

— Интернетда молиявий инқироз ҳақидаги бир мақолани ўқиб қолдим, — дейди пойтахтимизнинг Учтепа туманида яшовчи Одил Ҳасаров. — Унда иқтисодий таъғир Европа мамлакатларидан бирида истиқомат қилувчи ёш бир оила тақдирини мисолида кўрсатиб берилган. Мақолада айтилишича, оила бошлиғи навқирон, билимдон йигит. У хусусий корхонада етакчи мутахассис бўлиб ишлар экан. Кредитга уй, машина олган. Қарзини ойма-ой ўз вақтида тўлаб бераётган йигитни ҳеч қутилмаганда ишдан бўшатишди. Негаки, инқироз у ишлаётган корхонага ўз таъсирини ўтказган. Бундан воқиф бўлган банк эса, табиийки, йигитдан машинани ҳам, уйни ҳам олиб қўяди. Бир зумда бору йўғидан айрилган йигит аламидан нима қиларини билмай, Парламент биносига бориб жанжал кўтарди, ойналарни синдиради. Оқибатда эса қилиши учун қамоққа олинади. "Тамом, ҳаммаси тугади, — дейди у. — Молиявий инқироз оиламни барбод

қилди. Бундай яшашнинг кераги йўқ...

— Негадир бу воқеадан қаттиқ таъсирландим, — дея сўзида давом этди Одил. — Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил, дейдилар. Чиндан ҳам бугун ҳаётда учраётган бундай воқеалар шукр қилиб, ҳаётимиздан миннатдор

## Мушоҳада

бўлиб яшашимиз кераклигини аниқлатади. Негаки, инқироз деб аталмиш молиявий офат одамлар турмушини издан қайтарган, ҳаттоки турли фожияларга сабаб бўлаётган бир пайтда мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий фирмалар бир маромда фаолият юртаяпти. Фахрланасан арзийди, давлатимизнинг беқиёс ғамхўрлиги туфайли минглаб ёш оилалар уйли-жойли бўлишди. Масалан, менинг ўзим ҳам ўтган йили ёш оилаларга бериладиган кредит ҳисобига уч хонали уй олдим. Ишим, топиш-тутишим яхши. Тўлов шартларини ўз вақтида бажаряман. Оилам тинч, фарзандларим саломат. Буларнинг барчаси, Президентимиз айтганларидек, ис-

лохотларнинг босқичма-босқич амалга ошириб борилаётганлиги, меҳнатсевар халқимизнинг ғайрат-шижоати туфайлидир.

Дарҳақиқат, юртимизда ўзгариш ва янгиланишлар кўлами йил сайин ортиб бормоқда. Изчил иқтисодий ислохотлар билан бир

нинг диққат-этиборини тортади, ҳавасини келтиради. Шунингдек, бозорлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, замонавий шифо масканларининг энг сўнгги тиббий ускуналар билан жиҳозланганлиги кўнглида ифтихор туйғусини жўш урдирди. Бундай эзгу саяё-ҳаракатларнинг бари келажак учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Президентимиз маърузасида, шунингдек, Қишлоқ қишлоқчи ва фаровонлиги йилида амалга оширилиши лозим бўлган асосий масалалар тилга олинди. Чунки, қишлоқларимиз қиёфасини янада кўркамлаштириш, ҳаёт фаровонлигини яхшилаш, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини ошириш бугунги кундаги энг муҳим вазифаларимиздан эканлиги таъкидланди. Кези келганда шунини ҳам айтиш жоизки, Юртбошимиз ташаббуси билан ҳар бир йилнинг ўзига хос ном билан аталиши ва шу муносабат билан муҳим Дастурларнинг қабул қилиниши туфайли улкан ютуқларга эришяпмиз. Бу сингари муваффақиятлар жорий йилда ҳам кўлга киритилишига ишончимиз комил.

Зеро, яхши ният билан бошланган иш, хайрли юмуш эзгулик ва тўқимликка хизмат қилади. Эзгулик эса, биламизки, инсонийлик фазилатларининг негизидир. Ахир дилда пок ният бўлмаса, биров-бировга қайшармиди?! Йўқ, албатта! Модомики шундай экан, ҳақиқатнинг тили бўлса айтсин: мамлакатимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар айни шу буюк ҳислат — эзгулик туфайлидир! Муҳими, айтиш фазилат бизда, мамлакатимиз фуқаролари қалбидан мустаҳкам жой олган ва у мудом жўш уриб турибди. Бу эса буюк келажак қуриш йўлидаги улғур орузларимизга мустаҳкам қанот, бузилмас пойдевор бўлиб хизмат қилмоғи муқаррар.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

# СОҒЛОМ ФАРЗАНД — ОИЛА ҚУВОНЧИ

Ҳар бир ота-она фарзанд кўрсам, унинг камолдан баҳраманд бўлсам, дейди. Бироқ фарзанд дунёга келса-ю унинг вужуди ногирон, нуқсонли бўлса-чи? Шифокорлар қариндошлар ўртасидаги никоҳ оқибатида шундай бола туғилган, деб топишса-чи?

Бундай пайтда фарзандни дунёга келтирган ота-онани осон тугиб бўлмайди, албатта. Негаки, ожиз болани парвардилаш осон эмас. Юрагининг бир парчаси саналган жигаргўшанг ногирон туғилса, унинг забун ҳолига қараб яшаш оғир.

— Шу боисдан бўлса керак, бундай фарзанд туғилганида айрим ота-оналар уни масканимизга топширишни маълум қилишади, — дейди Бухоро вилоятлараро иттиҳослаштирилган Меҳрибонлик уйи бош хамшираси Мастура Эргашева. — Ҳозир бу ерда 68 нафар тарбияланувчи бор. Шуларнинг 32 нафари ногирон.

Болалар уйда кичкинтойлар чақалоқлигидан бошлаб то етти ёшгача тарбияланади. Улар унун бачча шарт-шароитлар яратилган. Тўрт маҳал овқат берилди. Хоналар иссиқ. Физиотерапия, компьютер хоналари, қишки чўмилиш ҳаваси — буларнинг бари болаларнинг учун. Ҳисоб-китобларга қараганда, давлат томонидан ҳар бир тарбияланувчига кунига 1500 сўм миқдорда озиқ-овқат, 600 сўм миқдорда дори-дармон ажратилмоқда. 37 нафар тарбиячи, 11 нафар хамшира ҳам кеча-ю кундуз шу болалар хизматида. Бу ҳукуматимизнинг болалар, хусусан, турма ногиронларга кўрсатаётган ғамхўрлиги нишониси, албатта.

Бироқ ҳар қандай жамият ҳам ҳар томонлама соғлом авлод камол топишидан манфаатдор эканлигини инобатга олсак, нега ногирон болалар дунёга келаяпти, деган савол туғилиши табиий.

— Бунинг сабаблари кўп, — дея мулоҳаза юритади Меҳрибонлик уйи бош врачини Инобат Дилфуза Эшмуродова. — Улардан бири қариндошлар ўртасидаги никоҳдир. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан аҳоли ўртасида олиб борилаётган тушунтириш-ташвиқот ишларига қарамай, афсуски, қариндошларнинг ўзаро қуданда туғилишлари учраб турибди. Ваҳоланки, бу ногирон ёки нуқсонли бола дунёга келиши эҳтимолини қулайтиради.

Дарҳақиқат, қариндошлар ўртасидаги никоҳдан сақланиш зарурлигини замонавий тиб-

биёт аллақачон исботлаган. Бироқ боланинг ногирон туғилиши олиб келадиган бошқа сабаблар ҳам борки, улар ҳақда алоҳида тўқналиш фойдадан холи эмас.

— Туғруқ ёшидаги айрим оналар ҳомилдорлик пайтида касалликка чалинадилар ва бу ҳолага эътиборсиз қарайдилар, — дея давом этади Д. Эшмуродова. — Оқибатда ҳомиланормал ривожланмай қолади. Туғруқ йўлида нуқсонлар бўлиши ҳам ногирон боланинг дунёга келишига сабаб саналади. Яна бир ҳолни кузатганми. Бола соғлом туғилди-ю аммо маълум муддат ўтган шол бўлиб қолади. Бунга унинг менинго энцифалит, яъни мия шомоллашига йўлқисани са-

бабчидир. Бу фикрларни масканимизда тарбияланган ногирон болалар касаллигини ўрганиш, кузатишдан келиб чиққан ҳолда айтаяпмиз.

Шу ўринда яна бир оғриқли масала хусусида тўқналиш жоиз. Бўлгуси келин-куёвлар тегишли қондага мувофиқ, тиббий кўридан ўтишлари лозим. Лекин бунинг аҳамиятини барча ёшлар ва ота-оналар ҳам тулиқ тушуниб етганларича йўқ. Ваҳоланки, бу ерда гап бўлгуси фарзанднинг ҳар томонлама соғлом дунёга келиши ҳақида борапти.

— Қизларни жуда эрта турмушга узатиш ҳам хаста, ногирон, нуқсонли боланинг туғилишига сабаб бўлади, — дейди Мастура Эргашева. — Ота-оналаримиз ўғил уйлантираётганда ёки қиз узатаётганда масаланинг шу жиҳатини ҳисобга олишлари зарур, албатта.

Меҳрибонлик уйидан қайта-этиб, дарвоза олдига фарзандни кўргани келган бир ота-онани рўбарў бўлибди. Уларга боқиб, нимадандир ташвишда, хавотирда эканликларини бил хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан аҳоли ўртасида олиб борилаётган тушунтириш-ташвиқот ишларига қарамай, афсуски, қариндошларнинг ўзаро қуданда туғилишлари учраб турибди. Ваҳоланки, бу ногирон ёки нуқсонли бола дунёга келиши эҳтимолини қулайтиради.

Дарҳақиқат, қариндошлар ўртасидаги никоҳдан сақланиш зарурлигини замонавий тиб-

## Ғамхўрлик

Бироқ ҳар қандай жамият ҳам ҳар томонлама соғлом авлод камол топишидан манфаатдор эканлигини инобатга олсак, нега ногирон болалар дунёга келаяпти, деган савол туғилиши табиий.

— Бунинг сабаблари кўп, — дея мулоҳаза юритади Меҳрибонлик уйи бош врачини Инобат Дилфуза Эшмуродова. — Улардан бири қариндошлар ўртасидаги никоҳдир. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан аҳоли ўртасида олиб борилаётган тушунтириш-ташвиқот ишларига қарамай, афсуски, қариндошларнинг ўзаро қуданда туғилишлари учраб турибди. Ваҳоланки, бу ногирон ёки нуқсонли бола дунёга келиши эҳтимолини қулайтиради.

Дарҳақиқат, қариндошлар ўртасидаги никоҳдан сақланиш зарурлигини замонавий тиб-

биёт аллақачон исботлаган. Бироқ боланинг ногирон туғилиши олиб келадиган бошқа сабаблар ҳам борки, улар ҳақда алоҳида тўқналиш фойдадан холи эмас.

# Шифокорлар чекка ҳудудларда

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан олис қишлоқлар аҳолисини тиббий кўриқдан ўтказиш мақсадида кўча тиббий бригада тузилган эди.

## Саломатлик

Барча тиббиёт анжомлари ва дори воситалари билан таъминланган гуруҳ аъзолари яқинда Тўрткўл тумани марказидан 80-90 километр узоқликда жойлашган Бухонмерей, Ёнбошқалъа, Оқдилик массивларида бўлиб, аҳолини тиббий назоратдан ўтказишди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# МАДАНИЯТ

xabarlari

Бола қалби бегубор. Унинг эзгу фазилатлар соҳиби бўлиб камол топишида бадий асар, айниқса, эртага маталлар беқиёс аҳамиятга эга. Зеро, эртақлардаги афсонавий мард ва жасур қаҳрамонлар феъл-атвори, яхшиликнинг ҳамиша ёвуз кучлар устидан ғолиб келиши билан боғлиқ жиҳатлар болаларнинг кўнглида эзгуликка интилиш ҳиссини шакллантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

# ЭРТАҚЛАР ОЛАМИГА САЁҲАТ



рух, ўзбекна қадриятларимизга эҳтиром рамзи, бағрикенг халқимизга хос соддадиллик ҳислатлари яқоқ кўзга ташланади, — дейди таниқли расом Дамир Урозов. — Унинг, айниқса, "Ўзбек халқ эртақлари" номли тўпламга ишланган суратлари, қолаверса, жаҳон халқлари эртақлари асосида чоп этилган бир неча бадий адабийлардаги тасвирий санъат асарлари китобхоналарга яхши таниш.

Шуни қайд этиш жоизки, мусаввир ўз асарларида ранглардан моҳирона фойдалана билган ва унинг ҳар бир эртақ учун ишланган асар алоҳида бир эртақлини ташкил этади. Яъни, эртақларга ишланган тасвирлар бир неча қисмдан иборат бўлиб, уларни бирма-бир томоша қилиш асносида эртақ воқеаларидан бемалол баҳраманд бўлиш мумкин. Кўргазмадан жой олган "Олтин тарвуз", "Ур тўқмоқ", "Минора", "Қиролнинг янги либоси" сингари бектор асарлар шулар сирасидандир. Рассомнинг шу сингари картиналари Жанубий Корея, Япония, Хитой, Туркия, Италия, Руминия, Франция, Исрoл давлатларида бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, хорижий санъат илосмандларининг эътирофига сазовор бўлган.

Узбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида намойиш этилаётган кўргазмадан унинг болаларга хос бегуборлик ила алоҳида меҳр билан яратган асарлари жой олган. Кўргазмада мусаввирнинг эртақларга ишланган 200 га яқин сурати намойиш этилмоқда.

— Рассом асарларида миллий

Муборак ОХУНОВА.

# Кулгига йўғрилган асар

Анджондаги Заҳриддин Муҳаммад Бобур номли виллоят мусикали драма ва комедия театри ижодий жамоаси турк адаби Раҳод Нури Гунтекиннинг «Халала ёки ёлланма кўв» асарини сахналаштирди.

Унда турли сахна кўринишлари орқали инсоннинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, кадр-қиммати, виждони тибб берилган. Бойлик учун иймонни пуллашга тайёр турувчи қимсаларнинг кирдикорлари фож этилган. Асарни республикада хизмат кўрсатган артист Мухтасар Йўлдошева ва Ҳабибулло Юнусовлар сахналаштиришди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.


# «МУСТАҚИЛ ЮРТ ИСТЕЪДОДЛАРИ»

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган «Мустақил юрт истеъдодлари» мавзусидаги кўргазма очилди.

## Санъат

Унда пойтахтимиздаги мактаб ва махсус интернатлар, Меҳрибонлик уйларида таълим олаётган юз нафардан зиёд болалар ўз асарлари билан иштирок этилди. Кўргазмага ташриф буюрганлар халқ амали ва тасвирий санъатининг келажаги эгалари асарлари билан танишдилар, улар билан ҳамсуҳбат бўлдилар.

... Малика қиёфасидаги баҳор, осойишталик элчиси бўлаётган фарзандларга бахт тилаётган она, Тошкент гўзаллигидан кўзлари ҳайратга тўлган болалар — буларнинг барчаси ёш мўйқалам усталарининг асарларида ўз аксини топган.



— Ўғлим пойтахтимиздаги 102-заиф зешитувчи болалар махсус мактаб-интернатининг 7-синфиди ўқийди, — дейди халқаро кўргазма-танловлар иштирокчиси Жамшид Эргашевнинг онаси М. Туробова. — У интернатда Зоя Микитурмовадан, Ёшлар ижод саройида эса Тўхтамурод Содиковдан тасвирий санъат сирларини ўрганмоқда. Мамлакатимиз-

да жисмонан имконияти чекланган бўлса-да, истеъдодли, иқтидорли бўлган болаларга алоҳида эътибор билан қаралиши Юртбошимизнинг барчага бирдай оталарча меҳрибонликларини нишонасидир, албатта.

Республика Халқ таълими вазирлиги ва Республика

Бадий академияси ташаббуси билан ташкил этилган ўшбу кўргазма март ойининг иккинчи ўн кунлигига қадар давом этади.

СУРАТДА: «Мустақил юрт истеъдодлари» кўргазмасидан лавҳа.

Ҳасан ПАЙДОВ олган сурат.

# Саралашга қуръа ташланди

Қуала-Лумпур (Малайзия) шаҳрида футбол бўйича Ёшлар ўртасида (U-19)ги навбатдаги Осиё чемпионатининг саралаш босқичига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Унга қўра, Марат Кабаев бошчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси "Д" гуруҳидан жой олди. Футболчиларимиз ўшбу гуруҳда Эрон, Ливан, Туркменистон, Малдив ороллари ва Покистон терма жамоалари билан иккунга йўлланма учун кураш олиб боришди.

"Д" гуруҳи саралаш учрашуварига жорий йилнинг 1-15 ноябрь кунлари Покистон мезбонлиги қилади. Осиё чемпионатининг финал босқичини эса 2010 йилнинг ноябрь ойида ўтказиш режалаштирилган.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

# ОБ-ҲАВО (25 февраль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларга туман тушади. Кечаси 8-13, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади. Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик қутилмайди. Туман тушади. Тунда 0-5, кундузи 7-12 даража илқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, баъзи ҳудудларда қисқа муддатли ёғингарчилик бўлиши мумкин. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 0-5, кундузи 7-12 даража илқ бўлади.

Тошкент вилояти. Айрим жойларда ёғингарчилик бўлиши қутилмоқда. Туман

тушади. Тунда 0-5, кундузи 7-12 даража илқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 2-7, кундузи 9-14 даража иссиқ бўлади.

Анджон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Баъзи ҳудудларда ёғингарчилик бўлиши мумкин. Ҳарорат тунда 0-5, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Тунда 0-2, кундузи 8-10 даража илқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

# «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ

1992-2008 йилгача бўлган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини ҳамда маркаларни классер ва буклетларда тақдим этади

ТЕЛ: 233-70-33. САЙТ: WWW.POST.UZ  
ФАКС 236-36-48. E-MAIL: OAJ@POST.UZ

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 52918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибонат 233-10-28; Ўзгачлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 23.55

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — У. Файзуева.  
Навбатчи — Ф. Саенев.  
Мусахҳад — Ҳ. Тонқужаев.